



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

● 2012-yil, 20-sentabr. Payshanba

● 115 (31.547)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

Фракция муҳокамаси



ДАСТУРИЙ ФОЯЛАРГА МОС ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ

қўллаб-қувватланмоқда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲДП ФРАКЦИЯСИНинг ЙИФИ-
ЛИШИ БўЛИБ ўТДИ. УНДА ИЖТИМОИЙ-ИКТИ-
СОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШ-
ТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲА-
ЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

МУҲОКАМАЛАРДА ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК,
ИДОРА ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛ-
ЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

→ 2



Тадбир

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА

икки минг нафар киши ишга
жойлашишга ўйлланма олди

Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркасида 410 дан ортиқ корхона ва ташкилот ўзларида мавжуд иш ўринлари билан қатнишдилар.

Унда 4076 нафар вактинча иш билан банд бўлмаган ахоли ва ёшлар иштирок этди. Уларнинг 2038 нафарига ишга жойлашиш учун ўйлумна берилди, 240 нафари хак тўланадиган жамоат ишларига ўйналтирилди ва 75 нафари билан касб ўрганиш ва маракиши ошириш учун шартнома имзоланди.

Абдували ХУДОЁРОВ

«O'zbekiston ovozi» saytida o'qing
Partiyalararo bahs:
<http://www.uzbekistonovozi.uz>



Ёшлар ҳамма даврларда ҳам жамиятнинг таянчи ва сунччи, умиди хисобланган. Уларнинг таълим-тарбиясига оид масала мамлакатнинг тараққиёт стратегиясини белгилаб берувчи омиллар. Бу соҳага сарфланган маблаглар эса келажакни ўйлаб киритилган сармоядир.

→ 3

ПРЕЗИДЕНТ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 2012 йил 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Ташриф чогида иккимондома ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиборларини, минтақаий ва халқаро аҳамиятга молик дол-

зарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Кўшма баёнат, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланиши кутимлек.

ЎЗА

ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ. 19 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Сеулга келди.

Ўзбекистон раҳбари шарафига иккимамлакат давлат байроқлари билан бешатилган ва фахрий коровул саф тортган Корея Республикаси пойтати аэропортида бўлиб ўтган расмий кутиб олиш молосимидан кейин мамлакатимиз делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга ўйлаб олди.

Мунтазамлик касб этган ушбу ташриф олий даражадаги Ўзбекистон — Жанубий Корея мулоқоти доирасидаги бўйиб ўтмоқда. Бундай учрашувлар чогида томонлар кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларига доир кўплаб масалаларни

муҳокама қилиб, очиклик ва ўзаро англо-шув руҳидат минақавий ва халқаро аҳамиятта молик кенг кўлмали долзарб алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ташрифининг асосий тадбирлари, хусусан, Корея Республикаси Президенти ва ушбу мамлакатнинг бошча раҳбарлари билан расмий музокаралар, Жанубий Кореяниң етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар 20-21 сентябрь кунларига мўлжалланган.

Аввал хабар килинганидек, учрашувлар якунда Кўшма баёнат, иккимамлакат ўтасидаги муносабатларни 2006 йилда имзолangan Стратегик шерлики тўғрисидаги Кўшма декларация руҳидати янада кенгайтиришга каратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2012 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНинг ТАШАББУСИГА БИНОАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ 2012 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИННИГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ АҲБОРОТИГА БАФИШЛАНГАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ БўЛИБ ўТДИ.

Тадбирда Конунчиллик палатасининг деятуллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Мехнат ва аҳолини ижтиёмий муҳофаза қилиш вазирлигининг, бошча манбаётдор вазирларлар, идоралар ва муассасаларнинг вакиллари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Генча раисининг ўринbosari, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринbosarлари, оммавий аҳборот воситаларининг вакиллари иштирок этилар.

Тадбирда мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан алмалоширилган иштохатлар тифайириш учун мустаҳкам асослар яратилгани таъкидланган. Иктиносидети ривожларнишинг «ўзбек модели» жаҳон молиявий инкорозининг хавф-хатарлари ва таҳдидларига самарали қарши туришининг аниқ мисоллари ва натижаларини намоён килганинги учун жаҳон ҳамжамиятининг этиборини ўзига тортид. Мўлжалланган иштохатларни босқичма-босқич маъмалга оширишга нисбатан комплекс ёндашув жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий ва иктиносидети инкороз ҳали ҳам давом этаган ва бунинг оқибатида иш ўринлари қисқартирилаётган, корхоналар

ёнилаётган бир пайтда фуқароларимизнинг ижтиёмий-иктиносидети жиҳатдан барқарор ҳимояланганинг эришиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунчиллик палатасида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги мустаҳкам ижтиёмий кафолатларнинг хуқуқий асосини ташкил этиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик иштохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ижтиёмий-иктиносидети ривожланишнинг мухим устувор вазифаларига багишиланган мажлисида давлатимиз раҳбарларнинг мавзусидаги ижтиёмий устуворликларга катта эътибор каратилган. Парламент эшитувда таъкидлаб ўтилган дикт, Инкорозга қарши чора-тадбирлар дастурни «Мустаҳкам оила йили» давлат дастури доирасида ҳам бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ҚУЁШДА КУЧЛИ МАГНИТ БЎРОНИ

саёрамизга ҳалокатли
таъсир ўтказиши
мумкинми?

4-бет

Коинот ҳодисаси

ҚУЁШДА КУЧЛИ МАГНИТ БЎРОНИ

сайёрамизга ҳалокатли таъсир ўтказиши мумкинми?

шу КУНЛАРДА ОДАМЛАР ОРАСИДА «22 СЕНТЯБРЬ КУНИ ҚУЁШ ПОРТЛАВ КЕТАРМИШ, ОСМОНДАН ОЛОВ ЁФИЛАРМИШ, ЕР ЮЗИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БАТАМОМ ЎЧИБ ҚОЛАРМИШ...» ҚАБИЛИДАГИ ГАП-СЎЗЛАР ЮРИБДИ. БУ МИШ-МИШЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА КИШИЛАР ОРАСИДА ШОВ-ШУВ КЎТАРИЛИШИГА БАЪЗИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, АЙНИҚСА, ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИДАГИ ТУРЛИ ВАҲИМАЛИ БАШОРАТЛАР, ХУСУСАН, 22 СЕНТЯБРЬ КУНИ ҚУЁШДА КУЧЛИ МАГНИТ БЎРОНИ СОДИР Бўлиши ва бу ҳодиса ЕРГА ҲАМ ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИР ЎТКАЗИШИ ҲАҚИДАГИ МАҚОЛАЛАР САБАБ БЎЛМОҚДА.

Аслида бу гаплар ҳакиқатта канчалик якин? Одамларнинг хавотири ўринилми? Шу каби саволлар билан Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ядро ва назарий физика кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди Зокиржон Канаковга мурожаат қилинди.

— Аслида, шу йилнинг 31 август санаисида ҳам Қуёшда кучли магнит бўрони кўзгалишига олеб келган улкан чакнаш кузатилган эди, — дейдигу. — Яъни, Қуёш сиртидан соатига 5,2 милион километр тезлиқда ионашган газ булити — плазмалар отилиб чикиди. Мутахассислар бу 2012 йилда Қуёшда содир бўлган чакнашлар орасида энг кучлиси эканини кайд этишида ва ноёб бодида замонавий технологиялар ёрдамида суратга ҳам олинди.

Кейинроҳ, 22 сентябрь куни Қуёш фаолигига янада ошиб, унинг сиртида жуда катта чакнаш изога келиши, натижада бутун дунёда электр асбобускуналар, трансформаторлар ишандан чиқинишни башорат килиувчи мақолалар кўпайди. Хусусан, Аэронаутика ва космик фазони тадқиқ қилишиб миллий бошшармаси — НАСАнинг айнан шу мавзуга бағишланган «Коинот иклими таҳ-

лили: ижтимоий ва иқтисодий асосатларни номли маъруза сиёҳин қўлини. Унда кетирилишича, Қуёш фаолигининг ошиши Ернинг геомагнит майдонда кучли магнит тўғони жадда Ер атрофида доимий электр токини ҳосил қиласди. Бундай кучланишига эса электр тармоқлари бардош бера олмаслиги мумкин.

Магнит бўронлари нима? Ер магнит майдонининг кескин ўзғаршига сабаб бўлувчи бу ҳодиса бир вактда Ер юзининг катта худудларида, бозсан бутун Ер юзида кузатилади. Магнит тўғони кўпинча, тунги вақта тўғри келади. Одатда бу ҳодиса кутбига ёғди, момақалдирик, зилзила пайтида содир бўлади ва ҳар 11 йилда — Қуёш фаолигининг кучайши даврида тақрорланиб туради, бозсан кучли ўтади.

Албатта, аввал ҳам бу катта кучли магнит тўғонлари бўлган. Масалан, 1859 йилда инглиз астрономи Ричард Каррингтон Қуёш юзи ийрик диглар билан копланангиш пайтайди. Кўп ўтмай диглар устида жуда тез кatta тақталашиб борувчи иккита ёргу шар чакнаган. Шарлар таҳминан беш дақиқадан сўнг кўздан гойий бўлган. Орадан 17 соат ўтгач, АҚШда тун худди кундузидек ёришиб кетган. Магнит майдонини ўлчовчи асбоблар

майдон кучланиши кескин ошганини кўрсатган. Бирор сайёрамизга ҳам, одамларга ҳам айтаришлар зарар етмаган. Факат бозни худудларда телеграфлар бир муддат ишламай колган. Кейинчалик, нисбатан кучли магнит бўронига Каррингтон ҳодисаси деб ном берилган.

Россия Фанлар академиясининг Сибир бўлими Қуёш-Ер физикаси институтининг катта иммий ҳодими, Иркутск университети қошидаги астрономик обсерваториянинг директори Сергей Язов айдан шу борада тадқикотлар олиб борган ва 1859 йилдан бери ҳар Қуёш цикли давомиди. Каррингтон ҳодисаси 3-4 марта содир бўлиши, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам Ер магнитосферасига кучли таъсир килавермаслигини исботлаган. Умуман, коинотнинг бу ҳодисаси тақрорланиши натижасида Ерда катта ҳалокат юз бериши ёхтимоли жуда иштимоли таъсир тақрорланишига келишишган.

Илмий тадқиқотлардан мавзумки, Қуёшдаги кучли портлашлар вақтида бозни одамлардан кон айланниши бузилиши. Узунлиги бир миллиметрга якин, диаметри эса миллиметрнинг мингдан бир бўлгига тенг бўлган жуда ингичка капилиялар қон томирчалигининг зарарларни натижасида асосий босим аорта каби ийрик кон томирларга кечади. Бу эса юракка ўзиниши беради, инфаркт, инсульт сингари турили касалликларни кетлабири чиқаради ёки уларнинг тўсаддан хурж қилишига сабаб бўлади. Ёшларда капилляр томирлари тикланув-

майдон кучланиши кескин ошганини кўрсатган. Бирор сайёрамизга ҳам, одамларга ҳам айтаришлар зарар етмаган. Факат бозни худудларда телеграфлар бир муддат ишламай колган. Кейинчалик, нисбатан кучли магнит бўронига Каррингтон ҳодисаси деб ном берилган.

Олимлар Қуёш фаолигига даврида автотранспорт ҳодисаларини нисбатан кўпроқ содир этилиши, телефон линиялари, радиотехника воситалари ва радарларнинг ишламай колилиши, касалликларнинг тусаддан хурж қилиши ҳамда ривожланишига далиллар келтиришган.


Илмий тадқиқотлардан мавзумки, Қуёшдаги кучли портлашлар вақтида бозни одамлардан кон айланниши бузилиши. Узунлиги бир миллиметрга якин, диаметри эса миллиметрнинг мингдан бир бўлгига тенг бўлган жуда ингичка капилиялар қон томирчалигининг зарарларни натижасида асосий босим аорта каби ийрик кон томирларга кечади. Бу эса юракка ўзиниши беради, инфаркт, инсульт сингари турили касалликларни кетлабири чиқаради ёки уларнинг тўсаддан хурж қилишига сабаб бўлади. Ёшларда капилляр томирлари тикланув-

чан хусусиятга эга бўлгани учун, бу ҳор кўпроқ ёши катта, жисмонан кучисиз ёки бирон-бир сурункали касалликларни ҳам ишингизга қон томирларида вуужуда келадиган тасодифий токнинг кийматига яқинлашиши билан боғлиқига асослаб берилган. Шу сабабли ҳозирги кунда магнит бўронлари ҳақида олдиндан хабар килинади.

Масалан, кўпчиллик астроном ва физиклар якин кунларда қуидига саналарда Қуёшда кучисиз магнит бўронлари туришини тахмин килишимдо: 20 сентябрь соат 17.00 дан 19.00 гача, 22 сентябрь соат 17.00 дан 19.00 гача, 23 сентябрь соат 10.00 дан 12.00 гача, 27 сентябрь соат 10.00 дан 12.00 гача, 30 сентябрь соат 05.00 дан 07.00 гача. Ҳар ёхтимоли қарши, ёши улуг, жисмонан заиф ва сурункали хасталиклар билан оғриган беморларга бундай пайтларда ўйдан ташқарига чиқмаслик тавсия этилади. Чунки, бу — уларни магнит бўрони таъсиридан сақлайди. Маслаҳатга амал қилиш эса ҳар бир инсоннинг ўз соглигига бўлган этибorigа болиги.

Бу билан миш-мишларга сабаб бўлётган 22 сентябрьда магнит бўрони илгари ҳам, бундан кейин ҳам юз бериши мумкинларини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Яна эслатмоқчимиз, коинотнинг бу ҳодисаси натижасида Ерда катта ҳалокат юз бериши ёхтимоли жуда кам. Демак, хавотирга ўрин йўқ.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ
ёзиг одди.



Футбол

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ



сервер ускуналари етказиб бериш учун
танлов ёълон қилади:

Танловда қатнашиш учун буюрманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун буюрманома юборган шахсларга танлов ҳужжатлари ушбу ёълон чиқсан санадан кейин 8 календарь кун мобайнинда берилади.

Буюрманома шаклини ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101. Ўзмиллийбанк Бош маъмурий биноси.

Телефон: 234-42-86, Интернет-сайт: www.nbu.com,
Алоқада бўлувчи шах: Блохина Ольга.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МҶДА

27 авгуустда бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси:

№	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Бошлангич баҳоси, сўм	Сотилиш баҳоси, сўм
1	119-сонли ишлаб чиқариш корпуси, яни умумий майдони 15261 кв.м. бўлган Блок-157 цех биноси	Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-ўй	3 286 782 000	3 415 800 000

Лицензия RR-0008



Оила ҳақида ҳикматлар

Оила — жамиятнинг дуру гавҳари. Шу боис оилани бузишга қаратилган ҳар қандай ижтимоий назария яроқсиз, шу билан бирга номақбулдири.

Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилган бўлади, бошқачароқ айтганда — у келажагини ҳам ҳимоя қилади.

Дунёда гўдакнинг чулдирашидан ҳам тантана лироқ, мадхия йўқ.

Одамзотга болалиқдан сингдирилган одатлар ниҳол танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдики, улар дараҳт билан бирга ўсади, унинг ажралмас қисмига айланаб қолади.

Болани баҳтли қиламан деб, уни гўдаклигидан эркалатиб талтайтириш ақлдан эмас.

Болалар баҳтни дағъатан ва беихтиёр ҳазм қилиб олавермайдилар, негаки уларнинг ўзи табиатларига кўра шодлик ва баҳтдан иборатдирлар.

Виктор ГЮГО

ОБ-ҲАВО 20-21 – 09. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Корқалпогистон Республикаси ва
Хоразм вилояти

+10 / +15 +22 / +27

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+10 / +15 +26 / +31

Тошкент, Самарқанд, Жizzax
ҳамда Сирдарё вилоятлари

+10 / +15 +26 / +31

Кашқадарё ҳамда
Сурхондарё вилоятлари

+11 / +16 +27 / +32

Андиқон, Наманган ҳамда
Фарғона вилоятлари

+10 / +15 +25 / +30

Тошкент шаҳри

+13 / +15 +27 / +29

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +9 / +12

Парис +12 / +11

Москва +7 / +6

Мадрид +15 / +13

Пекин +18 / +16

Канберра -2 / -4

Рим +15 / +16

Афина +15 / +16

Токио +25 / +24

Стокгольм +10 / +11

Кейптаун +9 / +9

Қохира +20 / +19